ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 25 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 147 (13.210)

Баҳоси эркин нархда

ШҲТ ТОШКЕНТ САММИТИ ЯКУНЛАРИ ФРАНЦИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Парижда "Ўзбекистон раислиги ва Тошкент саммити якунлари нуқтаи назаридан Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг истиқболлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Франция Сенати ҳамда қатор вазирликлари, Сорбонна, Гавр университетлари, Европа истиқболлари ва хавфсизлик институти (IRSE), шунингдек, Халқаро ва стратегик муносабатлар институти (IRIS)нинг нуфузли экспертлари қатнашди.

Тадбирда иштирокчилар Ўзбекистоннинг ШҲТга учинчи раислиги доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда жорий йил 23-24 июнь кунлари Тошкентда ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей саммити якунлари ҳақидаги маълумотлар билан яқиндан танишишди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташкилот саммитида сўзлаган нутқига алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбати чоғида бўлиб ўтган мунозаралар доирасида ШҲТ фаолиятини такомиллаштириш, дунёда ушбу бирлашманинг нуфузи ва умуман, унинг ўрни ҳамда аҳамиятини юксалтиришга мамлакатимиз қўшган ҳиссаси Франция томонидан юқори баҳоланди.

Жумладан, **Европа истиқболлари ва хавфсизлик институти президенти Эммануэль Дюпюи** қайд этганидек, ШҲТ ўзининг 15 йиллик иш жараёнида турли соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорлик учун самарали минтақавий минбарга айланди. ШҲТнинг Тошкент саммити ҳамда мазкур учрашув давомида имзоланган ҳужжатлар ташкилотнинг аҳамияти унга қўшни бўлган минтақаларда ҳам ортиб бораётганидан далолат беради.

— Ўзбекистон ўзининг 2003/2004, 2009/2010 ҳамда 2015/2016 йилларда ШҲТдаги раислиги даврларида тузилмага аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ва сармоявий ҳамкорликни фаоллаштириш масалаларида ташкилот салоҳиятини намоён қилишга, шунингдек, минтақада тинчлик ҳамда барқарорлик мустаҳкамланишига кўмаклашди, — деди эксперт.

Сенатор, мамлакат Сенатидаги "Франция — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи раиси Ив Поццо ди Борго фикрича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти янги геостратегик аҳамият касб этмоқда ва у глобал хавфсизлик меъморчилигида муҳим бўғин бўлиб бораётир.

— Тузилмага аъзо давлатларда мавжуд демографик, иқтисодий, илмий-технологик, саноат ҳамда хом ашё ресурслари ҳисобга олинса, ШҲТ улкан салоҳиятга эга эканлиги аён бўлади, — деди Франция парламенти аъзоси. — Ўзбекистоннинг ташкилотдаги раислиги ушбу мамлакатнинг минтақа ва жаҳондаги нуфузи ҳамда таъсирини, унинг халқаро дипломатиядаги ошиб бораётган ролини тасдиқлади. Тошкент саммитидан сўнг ШҲТнинг жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги аҳамияти янада ортди. Шубҳа йўққи, инсоният рўпара бўлаётган замонавий хавф-хатарларни Шанхай клуби сингари ташкилотлар билан биргаликда бартараф қилиш афзалдир.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





УЧТЕПА ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



Истиқлол туфайли қўлга киритилган улкан ютуқларимиз салмоғини бугунги кунда бутун дунё аҳли тан олмоқда. Бу эса эртанги кунимизнинг янада истиқболли бўлишидан, юртимиз осмонида саодатли ва фаровонатли кунлар қуёши мангу нур сочишидан далолатдир. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик қутлуғ санаси Учтепа туманида ҳам муносиб ютуқлар ила кутиб олинмоқда.

Учтепа тумани Чилонзор, Шайхонтоҳур ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани билан чегарадош ҳудудида жойлашган бўлиб, 28,2 гектар ерни ўз ичига қамраб олган бўлиб, бугунги кунда 256,3 минг аҳоли истиқомат қилади. Туманда 60 та маҳалла, 32 та умумтаълим мактаблари, 11 та олий ва ўрта таълим маскани, 3 та болалар санъат ва мусиқа мактаби, бешта шифохона, бешта оилавий поликлиника, 1 та марказий кўп тармоқли поликлиника фаолият юритмоқда. Жумладан, 3 та спорт мажмуаси, 58 та спорт зали, 5 та спорт клуби, 183 та спорт майдончалари, 2 та бозор, битта кинотеатр ҳам халқ манфаатлари йўлида аҳолига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Сўнгги пайтларда маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, кўп қаватли уй жойларни тартибга келтириш ва мавзеларни ободонлаштириш, кам қувватда ишлаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш ҳамда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархларини мувофиқлаштириш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

Туманнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди, хусусан, туман иқтисодиётида ўсиш суръатлари таъминланиб муайян силжишларга эришилди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жорий йилнинг ярим йиллигида сезиларли даражада ўзгарди. Жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида ўсиш суръати январь-июнь ҳолатига кўра 12,4 фоизни, истеъмол товарлари 11,6, асосий капиталга инвестиция 22,7, пудрат-қурилиш ишлари 14,0, чакана савдо кўрсаткичлари айланмаси 12,8, пуллик хизматлар 10,4 фоизга бажарилди.

Туманда бугунги кунга келиб жами 650 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларга 181 хусусий уй жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатиб келмоқда. Кўп қаватли турар жойлар ва иқтисод тармоқларини куз қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида банклар томонидан етарлича маблағлар ажратилиб берилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига тўёна сифатида 24 та кўча ободонлаштирилди, 13 та болалар ўйингоҳи бунёд этилганлиги эътирофга сазовордир. Кўп қаватли уйларнинг том қисмларида мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, учтепаликлар мустақиллигимизнинг муборак йигирма беш йиллик тўйини ҳар соҳада муносиб ютуқлар билан кутиб олишга шайланган.

Учтепа туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ РИВОЖИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистонда электротехника саноатининг ривожланиши: ҳолати ва истиқболлари" мавзуида анжуман ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари "Artel" компаниялар гуруҳи корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди. Бу ерда "Artel" ва "Samsung" бренди остида совуткич, музлатгич, кир ювиш машиналари, бутловчи қисмлар ва қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Етти юзга яқин киши меҳнат қилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Б.Ниёзматов, "Ўзэлтехсаноат" компанияси раиси Э.Иминов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида саноат тармоқларини диверсификациялашга қаратилган изчил ислоҳотлар самарасида электротехника соҳаси изчил ривожланаётганини таъкидлади.

2005 йилда тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 80 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 1 триллион 300 миллиард сўмга етган. Сўнгги йилларда энергетика, нефть-газ ва тоғ-кон саноатларига, ижтимоий соҳа объектларига 1 триллион 5 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот етказиб берилган.

Компания тизимида кабель, электротехника, маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатувчи қирқдан ортиқ корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг ўттизга яқини экспорт фаолиятига жалб этилган. 2015 йилда қарийб 168 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисм ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, тизим корхоналарида 1 триллион 227 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, маҳаллийлаштириш даражасини 39 фоиздан 55 фоизга етказиш режалаштирилган.

2030 йилгача соҳада 1 миллиард долларга яқин сармоя ўзлаштирилиб, 22 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

"Ўзэлтехсаноат" компанияси томонидан 2016-2019 йилларда ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ва қишлоққа саноатни олиб киришни жадаллаштиришга қаратилган 95 лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Натижада беш мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

Анжуманда электротехника саноатига доир қонунчилик базаси ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тармоққа замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Президентимизнинг шу йил 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган байрам табригида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳудуддаги оммавий ахборот воситалари масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

● Фарғона вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида 260,1 миллион долларлик маҳсулот юзга яқин давлатга экспорт қилинди. Вилоят фаолларининг 2016 йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган йиғилишида бу алоҳида таъкидланди.

● Тошкент вилоятида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик – энг олий неъмат!" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, маънавият тарғиботчилари, педагоглар ва ёшлар иштирок этди.

● Урганчда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари сайланди. Кенгашнинг келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

ЖАҲОНДА

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Парламентлараро уюшма ҳамкорлик юзасидан битим имзолади. БМТ бош котиби Пан Ги Муннинг таъкидлашича, келгусида ушбу икки тузилма бир жамоа каби жипс мувофиқликда фаолият кўрсатади.

● Португалия терма жамоаси сардори Криштиану Роналду яна бир хайрли ишга қўл урди. У "Евро-2016" даги ғалаба учун берилган 275 минг евролик мукофот пулини болалар оққон касаллигига қарши кураш жамғармасига ўтказиб берди.

● "New Horizons" космик қурилмаси бортида Плутон сайёрасига 10 йил аввал учирилган ва ўтган йилнинг июль ойида унга етиб борган Америка почта маркаси Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. АҚШ Почта хизматининг маълум қилишича, марка ердан 5 миллиард километр узоқ масофага учиб, барча почта маркалари ичида энг узоқ йўлни босиб ўтган.


УЧТЕПА ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА













Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик шодиёналари яқинлашаётган айни кунларда маҳаллаларда ҳам байрамга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Тумандаги "Учтепа" маҳалласига қилган сафаримиз давомида бунга яна бир бор амин бўлдик. Анвойи гуллар ифори анқиб турган ушбу мўъжазгина маскан шинам ва сариштa.

Маҳалла

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПГАН МАСКАН

3362 нафар аҳоли истиқомат қиладиган бу маҳалла нафақат туманда, балки пойтахтимизда ҳам ўзига хос нуфузга эга. Айни дамда маҳалла аҳли байрамни муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

– Маҳалланинг обод ва кўркам бўлиши аҳолининг ҳамжиҳатлиги, ўзаро меҳр-оқибатига бевосита боғлиқ, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухтор Илҳомов биз билан бўлган суҳбатда. – Урф-одат ва анъаналаримизни эъзозлаш, кўчалар ва уйлар атрофини тоза сақлаш асосий вазифаларимиз сирасига киради. Бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат туфайли маҳалламиз тинч ва фароғатли ҳаёт кечирмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хонадонлардаги ўзаро аҳиллик ва бирдамлик, миллий қадриятларимизни қадрлаш маҳалла фаоллари зиммасидаги асосий вазифалардан биридир.

"Учтепа" маҳалласида бугунги кунда 15 кўча, 4 та кўп қаватли турар жой мавжуд. Истиқлолнинг ҳар бир йили маҳалла ҳаётида ўчмас из қолдирмоқда. Бу нурафшон гўшада ҳар соҳада мақсадли ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Хонадонлар тинчлиги, ёшларни меҳр-оқибат, иймон-эътиқод тимсолида вояга етказиш, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги ишлар ҳар бир маҳалла фаоллари ва маҳалла аҳлининг зиммасидаги бурчдир. Оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексаларга эҳтиром кўрсатиш каби вазифалар ҳам маҳалла деб аталмиш маънавият ўчоғининг вазифаси ҳисобланади.

Иқтисодиёт

ИЗЛАНИШ – ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛАЖАК ОМИЛИ

Тумандаги "KNITTIG TEXTILE" масъулияти чекланган жамияти корхонасида бўлганимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат даражаси ва турлари билан танишар эканмиз жаннатмакон она Ватанимизнинг келажагини, тараққиётини янада ёрқин ва гўзал рангларда кўргандай бўлдик.

Бинобарин, кичкина корхоналарда ҳам ишлаб чиқариш суръати кескин жадаллашган. Сифатга эътибор ниҳоятда кучли. Ҳар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури мутахассислар назорат марказида.

Корхона 2011 йилда ташкил топган бўлиб, ўттиздан ортиқ турдаги ип ва мато маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

– Маҳсулот турларини янада кўпайтириб, сифат ва самарадорликка алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз, – дейди корхона директори Абдуқаҳҳор Ҳакимов. – Айни пайтда маҳсулотларимизни ички бозорларга тарқатмоқдамиз. Мақсадимиз келажакда маҳсулот турларини янада кўпайтириб, сифатини яхшилаб чет мамлакатларга ҳам экспорт қилиш.

Яхши ният, изланиш ва интилиш истиқболли келажакка ишора. Умид қиламизки "KNITTIG TEXTILE " масъулияти чекланган жамияти корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар яқин келажакда дунё бозорлари расталарида ўз ўрнига ва ўз нуфузига эга бўлади.

Биз тумандаги 23-оилавий поликлиника ва 9-сонли туғруқ мажмуаси ходимлари билан суҳбат чоғида аҳоли саломатлигининг яхшилаш, турли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда тезкорлик, билим, малака шифокорлар учун нечоғли зарур хислат эканлигини яна бир бора теран ҳис этдик.

Тиббиёт

ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН

– Тиббиёт бирлашмамиз бугунги кунда туман аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда, – дейди сафаримизга ҳамроҳлик қилган Учтепа тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Эркин Газиев. – Саломатлик ҳар бир инсон учун бебаҳо бойлик ҳисобланади. Аҳоли ва ёшларни соғлом турмуш тамойилларига амал қилишга йўналтириш, соғлигини муҳофаза қилиш, эрта туғруқ ва турли касалликларнинг олдини олиш, соғлом оилани шакллантириш ҳамда тиббий кўрикнинг аҳамиятини тарғиб қилиш ҳам шифокорлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Поликлиникада бўлганимизда, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатиш турли юқумли касалликлардан ҳимоялаш борасида самарали ишлар олиб борилаётганига яна бир бор амин бўлдик. Муассасанинг физиотерапия, рентген, марказий стерилизация бўлимлари, дорихона, клиник ва бактериологик бўлими, лор ва стоматолог, гинеколог, кардиолог, невролог ҳамда терапевт шифокор хоналари замонавий тиббий техник жиҳозлар билан таъминланган.

– Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ҳар томонлама соғлом, етук ва баркамол авлодни камолга етказиш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан биридир, – дейди 23-оилавий поликлиника бош шифокори Саодат Дўстмуҳамедова. – Шундан келиб чиққан ҳолда соғлом оилани шакллантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш борасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб борамиз. Тиббиёт муассасамиз ва маҳалла ҳамкорлигида ўтказиладиган тадбирларимизда аҳолига эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, зарарли одатларнинг инсон соғлигига таъсири, ҳомиладор аёллар ва бир ёшгача бўлган болалар парвариши хусусида малакали мутахассисларимиз томонидан керакли маслаҳатлар, йўриқномалар берилади. Касбимизга бўлган садоқат ва меҳр ришталари инсонлар саломатлигини ҳар томонлама ҳимоялашда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

9-сонли туғруқ мажмуаси ҳам оналар ва чақалоқлар учун дунё стандартларига жавоб берадиган энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Жорий йилда шифохонанинг овқат тарқатиш ва пишириш хоналари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди.

Дарҳақиқат, аҳоли саломатлиги йўлида олиб борилаётган ҳар қандай иш оқ халат кийган шифокордан билим, тажриба, маҳорат ва тезкорликни талаб этади. 9-сонли туғруқ мажмуасида ҳам соғлом фарзандлар туғилиши йўлида, она ва бола саломатлигини асраш ва даволашда самарали ишлар олиб борилмоқда.

Туман халқ таълими тизимида ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ва таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қизғин ишлар олиб борилди. Жумладан барча мактабларда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ўқув масканларини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари билан жиҳозлаш ишлари ҳам давом этмоқда.

Таълим

МАКТАБЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙ

Туманда 31 та умумтаълим мактаблари, 1 та ёрдамчи мактаб, 50 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 та "Баркамол авлод" маркази фаолият кўрсатади. Умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган тўгаракларга 23370 нафар ўқувчилар қамраб олинган. Бошланғич синф ўқувчилари учун ахборот технологиялари асосида етти номдаги услубий қўлланма, мультимедиали дастурлар тайёрланди. Биринчи синфларда дарслар тўлиқ илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўқитилиши йўлга қўйилди ва бу жараён босқичма-босқич барча синфларда давом эттирилади. Айни кунда ўқувчилар ёзги таътилни оромгоҳларда мазмунли ва мароқли ўтказмоқдалар. Тумандаги 4 та 4, 116, 238, 297-умумтаълим мактабларида икки сменада 510 нафар болалар мириқиб дам олмоқда. Бундан ташқари 26 та умумтаълим мактабларида соғломлаштириш майдончалари, спорт секциялари, ахборот-ресурс марказларида турли тўгараклар, китоблар мутолааси, қизиқишлари бўйича спорт машғулотлари тажрибали педагоглар ёрдамида олиб борилмоқда. Энг асосийси келажагимиз давомчилари бўлган ёшларнинг таътил вақтларини мазмунли ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади
Ислом Исмоилов олган суратлар

ШҲТ ТОШКЕНТ САММИТИ ЯКУНЛАРИ ФРАНЦИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўз навбатида, **Париж университетининг Ҳуқуқ, иқтисодиёт ва бошқарув факультети профессори Пьер-Эммануэль Дюпон** ШҲТнинг тинчлик ҳамда барқарорликка таҳдид ва хавф солиши мумкин бўлган халқаро келишмовчиликларни ҳал этиш соҳасидаги муваффақиятларига эътибор қаратди.

— ШҲТ Хартиясида унга аъзо давлатлар БМТ Низомидаги мақсадлар ҳамда тамойилларга ва халқаро тинчлик, хавфсизлик, яхши қўшничилик, шунингдек, дўстона муносабатларни, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа тамойиллари ҳамда меъёрларига содиқликларини аниқ-равшан баён этишган, — деди эксперт. — Шуни таъкидлаш керакки, ШҲТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси унга аъзо давлатларнинг бундан кейин ҳам мазкур мақсад ва тамойилларга таянишларини, шу жумладан, мустақиллик, тенглик, суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик, чегаралар дахлсизлиги, ички ишларга аралашмаслик, келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмасликка доир интилишларини тасдиқлайди. Буларнинг барчаси ШҲТ глобал хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги салмоқли ташкилот сифатида жаҳонда муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Франция Халқаро ва стратегик муносабатлар институти (IRIS) етакчи таҳлилчиси Бартелеми Курмон ушбу тузилманинг аҳамияти ҳамда ташкилот сўнгги саммитининг якунлари юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилар экан, Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ташкилот ривожланишидаги энг муҳим босқичлардан бири бўлганини таъкидлади.

— Ташкил топганидан буён ўтган 15 йил ичида ШҲТ халқаро муносабатлар тизимининг нуфузли иштирокчиларидан бири сифатида ўзини яққол кўрсатди, — деди мутахассис. — Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги якунлари уч муҳим истиқболни очади — булар терроризм ва радикализм билан курашни давом эттириш, қуролсизланиш соҳасида ҳамкорлик, қуролланиш устидан назорат, ядро қуролларини тарқатмаслик, хавф-хатар ҳамда таҳдидларни қурол-яроғ тарқатмаслик режими билан сиёсий йўллар асосида ҳал қилиш, Ҳиндистон ва Покистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомини олиши истиқболи ҳамда иқтисодий-сармоявий ҳамкорликнинг фаоллашувидир.

Гавр университети профессори Пьер Шабаль баҳо берганидек, ШҲТ минтақа ва жаҳон геосиёсатида алоҳида ўрин тутгани ҳолда, улкан ресурслар салоҳиятига эга бўлган, изчил ривожланаётган кенг миқёсли минтақанинг шаклланишида иштирок этаяпти.

— Бугунги кунда ШҲТ кўп ҳолларда тузилмага аъзо давлатлар манфаатларига жавоб берадиган йирик иқтисодий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш минбари ролини бажараётир, — деди П. Шабаль. — Бу жараён ўзининг сиёсий ҳамда иқтисодий натижаларини бериши керак. Ташкилотнинг ривожланиш суръатлари шуни кўрсатмоқдаки, мазкур институт континент келажагининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ташкилот учун тарихий аҳамиятга эга. Шу ўринда қуйидаги концептуал жиҳатларни алоҳида таъкидлашни истардимки, улар Ўзбекистон раҳбариятининг ШҲТ ривожланишига бўлган фалсафий ёндашувини ўзида акс эттиради — ўз вақтида республика бу ташкилотда блокларга қўшилмасликдек фундаментал тамойилни ва юзага келаётган минтақавий ҳамда халқаро муаммоларни ҳал қилишда бундан кейин ҳам мафкуралашган ва қарама-қаршиликка асосланган ёндашувларга йўл қўймаслик ҳамда бундан огоҳлантириш заруратини киритган эди.

"Жаҳон" АА.
Париж

ЁШЛАР ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Мустақиллик йилларида қонунчилик ва халқ манфаатларининг устуворлиги" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мутасаддилари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Бунинг ҳаётий ифодасини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, оиласи орзу-интилишлари рўёбга чиқаётганида, одамларнинг дунёқараши юксалиб, ҳаётга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгараётганида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фаоллигини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ҳам ёш кадрларни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. 2015 йилда вазирлик қошида "Ёшлар клуби" ташкил этилди.

– Бугун ёшларнинг кайфияти ҳар қачонгидан-да кўтаринки, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одина Жамолиддинова. – Улар яратувчанлик иштиёқида қутлуғ айёмга катта тайёргарлик кўришмоқда. Ҳар ишда фаоллик ва ташаббус кўрсатиб, эртанги кунини юрт истиқболига боғлаб меҳнат қилишга киришмоқда.

Давра суҳбатида ёшларга парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги, ўтган 25 йил давомида фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида маълумот берилди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

РАҒБАТ КАТТА МАҚСАДЛАР САРИ УНДАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида ёшларни ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш олимларни аниқлаш, уларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан эълон қилинган "Ёш мутахассислар" IV Республика Форуми доирасида Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларида ўтказилаётган "Энг фаол ёш олим" танлови шулар жумласидандир. Фанлар академиясининг бир қатор илмий-тадқиқот институтларида ва у ердаги мавжуд барча лаборатория ва бўлинмаларидан бир нечта ёш олимлар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари низомда кўрсатилган баҳолаш мезонлари асосида энг фаол ёш олимларни аниқлашди. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтидан Зангиота илмий тажриба базаси кичик илмий ходими М.Режапова танловда 1-ўринни эгаллади ва Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг энг фаол ёш олими сифатида эътироф этилди.

ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика марказида ўтказилган танловда Марказнинг мавжуд олтита лабораториясидан ўнга яқин ёш олимлар иштирок этишди. Уларнинг илмий фаолияти ва эришган ютуқлари ҳакамлар ҳайъати томонидан синчковлик билан кўриб чиқилди. Структуравий ва функционал геномика лабораторияси илмий ходими Мирзакамол Аюбов 1-ўринни эгаллаган ҳолда, танловнинг вилоят босқичида иштирок этадиган бўлди.

Ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонди институтидаги мавжуд лабораторияларда ишлаётган 12 нафар ёш олимлар ўзаро баҳс олиб бордилар. Ҳакамлар томонидан ёш олимларнинг сўнгги 3 йилда эришган ютуқлари, янгиликлари ҳамда жамоат ишларида фаолликларига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада бугунги кунда "Бойсун ботаник-географик райони флораси" мавзусида докторлик диссертацияси устида ишлаётган институт кичик илмий ходими Орзимат Турғунов юқори натижа кўрсатган ҳолда кейинги босқичда иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Худди шунингдек, "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида ўтказилган танлов ҳам жуда қизғин равишда баҳсларга бой тарзда бўлди. Якунга кўра "Маҳаллий ва хом ашё асосида Катта Қуёш Қурилмасида мужассамланган ёруғлик нурлари воситасида эритиш орқали емирилишга чидамли материаллар синтез қилиш технологиясини ишлаб чиқиш" мавзусида докторлик диссертацияси қилаётган Жавохир Шерматов тенгдошларидан кўра юқори кўрсаткичга эришган ҳолда ғолибликни қўлга киритди ва кейинги босқичда иштирок этиш имконияти яратилди.

Танловда фахрли ўринларни эгаллаган ёш олимлар институт раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмиталари томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Д.ДОЛИМОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши раиси

Фестиваллар



Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган сурат

ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ёшлар ижод саройида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Ижро завқи" мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

"Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан ташкил этилган танловни ўтказишдан асосий мақсад – мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш, иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашлари, интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришга кўмак бериш, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришдан иборат.

Мазкур кўрик-танловнинг маҳаллий босқичларида 14-30 ёшгача жонли ижро маҳоратига эга бўлган қобилиятли 120 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этиб, Тошкент шаҳар босқичида 12 нафар ёшлар беллашдилар. Танлов иштирокчиларининг жонли ижро маҳоратини элимиз суйган санъаткорлар, эстрада юлдузлари, шоирлар ва мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан адолатли баҳолаб борилди.

— Ўзбегимнинг мумтоз мусиқа санъати дилларга хуш ёқиб, дунё эътирофига сазовор бўлаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз, — дейди танлов иштирокчиси, Тошкент шаҳридаги 7-умумтаълим мактаб ўқувчиси Ясмина Умарова. – Санъатга, мумтоз мусиқага бўлган меҳрим бўлакча. Мазкур фестивалда "Тановар" ашуласини ижро этдим.

Жонли ижро маҳоратига эга фаол, иқтидорли ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган фестивалда Ватанни, Мустақиллигимизни, тинч ва осойишта кунларимизни тараннум этувчи қўшиқлар жаранг сочди. Натижаларга кўра Дилмурод Тошмуродов биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Азизбек Олимов қўлга киритди. Хадича Имомназарова ҳамда Ислом Умрзоқов учинчи ўринга лойиқ топилди.

Кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА

БОҒДА ДАВРА СУҲБАТИ

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Чилонзор тумани "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида "Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз" мавзуида маданий-маърифий давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Республика Оила маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари, тиббиёт ходимлари, турли касб эгаларининг маъруза ва бошқа чиқишларида давлатимиз мустақиллиги йилларида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар, шаклланаётган соғлом турмуш тарзи, ўзбек оиласидаги қадриятлар ролининг ошаётганлиги, намунали ўтаётган тўйлар, маҳаллалар, оилалар ҳақида, шунингдек, тўй-ҳашамларни ўтказишда жойларда дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлиги, эл-юрт одатлари ва анъаналарининг менсимаслик ҳолатлари, оила қураётган ёшларнинг бурчлари, ташкил қилинаётган тўйларнинг ихчам ва тежамкор бўлишлиги ҳақида атрофлича фикр юритдилар.

Тадбирда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошида фаолият юритаётган "Дурдона" фольклор-этнографик ансамбли қатнашчилари махсус тайёрлаган тўй маросимларидан лавҳалар ва қадимий урф-одатлардан "Келин салом" удумларини намойиш қилдилар ҳамда боғнинг "Улуғбек юлдузлари" ансамбли хонандалари ўзларининг дилтортар қўшиқлари билан қатнашди.

Давра суҳбатидаги маъруза ва бошқа чиқишлар, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, рақслар бу ерга келган турли касб эгалари, маҳаллалардан таклиф қилинганларда ва ёшларда катта таассурот қолдирди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ёзги таътил мавсумида болаларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш мақсадида Чилонзор туманидаги 90-мактаб қошида "Беғубор ёшлик" номли соғломлаштириш спорт майдончаси фаолият юритмоқда. Турли маданий тадбирлар, спорт мусобақаларини қамраб олувчи машғулотларда ўқувчиларни "оммавий маданият"нинг турли салбий кўринишларидан ҳимоя қилиш ва уларнинг мафкуравий иммунитетини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Ёз — ўтмоқда соз

БЕҒУБОР БОЛАЛИК ЗАВҚИ

Соғломлаштириш майдончасида ҳademай учинчи давра ўз ниҳоясига етади. Ўн саккизта фан ва спорт тўгаракларини ўз ичига олган масканда тўрт гуруҳга бўлинган болалар ёзги таътил даврини мазмунли ўтказмоқда. Кунлик режа бўйича ўқувчилар билан эрталабки бадантарбия машқи, тўгарак машғулотлари мунтазам олиб борилмоқда.

Болажонлар ўртасида "Қувноқ стартлар", "Шахмат", "Шашка", "Баскетбол", "Волейбол", "Стол тенниси" спорт мусобақалари, "Ўртага тушар", "Беш тош", "Оқ теракми-кўк терак", "Жамбил" каби миллий халқ ўйинлари улар қалбига бир олам завқ-шавқ улашаётгани шубҳасиз. Мультфильм намойиши, таълимий компьютер ўйинлари, эртак, шеър ва ҳикоялар мутолааси дам олаётган болаларнинг кунини мазмунан бойитади.

Мавсум давомида турли маданий масканларга саёҳат, цирк ва театр томошалари уюштирилиб турилмоқда. Ўғил-қизларнинг ёзда мазмунли ҳордиқ чиқариши янги ўқув йилида пухта билим олишига, соғлом ва баркамол бўлиб улғайишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мадина АЛЛАЁРОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

2016 йил 26 август куни соат 12.00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Суд ижро департаменти томонидан хатланган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчаси, Тошкент "ОРМЗ" автомобилларни сақлаш тураргоҳида сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Бошланғич баҳоси 290 389 582 сўм бўлган ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақамисиз, "Mersedes-Benz S500" р-ли ав-на; 2. Бошланғич баҳоси 23 368 800 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/582GAA, "ГБА СПГ DAMAS" р-ли юк ав-на; 3. Бошланғич баҳоси 56 944 775 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/398ZAA, "ГАЗ-2752-414" р-ли юк-йўловчи ташувчи ав-на; 4. Бошланғич баҳоси 59 656 431 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/397ZAA, "ГАЗ-2217-404" р-ли юк-йўловчи ташувчи ав-на; 5. Бошланғич баҳоси 38 338 832 сўм бўлган 2013 йилда и/ч, д/р 01/417QCA, "NEXIA DONC-2" р-ли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "*Infin*BANK"даги, МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148

"VIP REAL ESTATE" МЧЖНИНГ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

